

**Рақамлаштириш соҳасида ислоҳотларни чуқурлаштириш ва тизим фаолиятини трансформация қилиш бўйича
“ЙЎЛ ХАРИТАСИ”**

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш муддати	Масъул ижрочилар	Молиялаштириш манбаси	Бажарилган ишларнинг пировард натижаси
I. Сифатли телекоммуникация хизматини тақдим этиш					
1.	<p>Мобил интернет фойдаланувчилари сонини ошириш.</p> <p>Бунда:</p> <p>1) мобил интернет билан қамраб олинмаган аҳоли масканлари рўйхатини янги ташкил этилаётган аҳоли масканларини инobatга олган холда қайта кўриб чиқиш;</p> <p>2) хизмат кўрсатувчи мобил алоқа операторлари билан интернет қамровини кенгайтириш режасини тасдиқлаш;</p> <p>3) мобил интернет қамровини кенгайтириш бўйича лойиҳалар амалга оширилишини мувофиқлаштириш;</p> <p>4) мобил алоқа операторлари томонидан кўрсатилаётган хизматлар тўғрисида маълумотларни кенг жамоатчиликка ёритиб бориш.</p>	<p>2023 йил 30 апрель</p> <p>2023 йил 30 май</p> <p>2023 йил давomiда</p>	<p>Рақамли технологиялар вазирлиги, мобил алоқа операторлари</p>	<p>Ижрочилар маблағлари</p>	<p>Мобил интернет фойдаланувчилари сонини 31 миллион 500 минг нафарга етказилади. Шунингдек, мобил алоқа қамрови ҳамда сифатини оширилиши ҳисобига аҳолининг мобил Интернет ва иловалар орқали интерактив давлат хизматлари ва бошқа онлайн хизматлардан мобил телефон орқали фойдаланиш имконияти кенгайтирилади.</p>
2.	<p>Кенг полосали симли интернетга уланиш имконияти яратилган хонадонлар қамровини ошириш.</p> <p>Бунда:</p> <p>1) симли интернет билан қамраб олинмаган аҳоли масканлари рўйхатини янги ташкил этилаётган аҳоли масканлари инobatга олган холда қайта кўриб чиқиш;</p> <p>2) хизмат кўрсатувчи оператор ва провайдерлар билан симли интернет қамровини кенгайтириш режасини тасдиқлаш;</p> <p>3) симли интернет қамровини кенгайтириш бўйича лойиҳалар амалга оширилишини мувофиқлаштириш;</p> <p>4) оператор ва провайдерлар томонидан кўрсатилаётган хизматлар тўғрисида маълумотларни кенг жамоатчиликка</p>	<p>2023 йил 30 апрель</p> <p>2023 йил 30 май</p> <p>2023 йил давomiда</p>	<p>Рақамли технологиялар вазирлиги, операторлар ва провайдерлар</p>	<p>Ижрочилар маблағлари</p>	<p>Кенг полосали симли интернет уланиш имконияти яратилган хонадонлар қамрови 75 фоизга етказилади. Бунда, хонадонлар, тадбиркорлик субъектлари ва юридик шахсларнинг Интернет орқали интерактив давлат хизматлари ва бошқа онлайн хизматлардан фойдаланишлари, бизнес жараёнларни ва маълумотлар алмашишни автоматлаштириш учун шароит яратилади.</p>

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш муддати	Масъул ижрочилар	Молиялаштириш манбаси	Бажарилган ишларнинг пировард натижаси
	ёритиб бориш.				
3.	<p>Интернет тармоғига кенг полосали уланишни ташкил этиш мақсадида кенг полосали портларнинг умумий сонини ошириш.</p> <p>Бунда:</p> <p>1) хизмат кўрсатувчи оператор ва провайдерлар билан кенг полосали уланишни ташкил этиш мақсадида портларни ўрнатиш режасини тасдиқлаш;</p> <p>2) кенг полосали уланишни ташкил этиш мақсадида ўрнатиладиган умумий сиғими 700 минг портли қурилма ва ускуналарни монтаж қилиш;</p> <p>3) амалга оширилган ишлар юзасидан маълумотларни Вазирлар Маҳкамасига киритиб бориш.</p>	<p>2023 йил 30 апрель</p> <p>2023 йил давомида</p> <p>Ҳар чорақда</p>	<p>Рақамли технологиялар вазирлиги, операторлар ва провайдерлар</p>	<p>Ижрочилар маблағлари</p>	<p>Интернет тармоғига кенг полосали уланишни ташкил этиш мақсадида кенг полосали портлар умумий сони 5 миллион 300 мингга етказилади.</p>
4.	<p>Телекоммуникация инфратузилмасини янада ривожлантириш мақсадида қуйидагиларни назарда тутган ҳолда оптик толали алоқа линияларини ташкил этиш.</p> <p>Бунда:</p> <p>1) аҳолига кенг полосали тармоқ хизматларини кўрсатиш учун оператор ва провайдерлар томонидан қўшимча оптик толали алоқа линияларини қуриш режасини тасдиқлаш;</p> <p>2) аҳоли масканларида оптик толали алоқа линиялари қамровини кенгайтириш мақсадида оператор ва провайдерлар томонидан қўшимча 50 минг километр оптик толали алоқа линияларини қуриш;</p> <p>3) замонавий юқори тезликда ишловчи қурилмаларни ўрнатиш ва ишга туширган ҳолда алоқа қамровини 88 фоизга етказиш.</p>	<p>2023 йил 30 апрель</p> <p>2023 йил давомида</p> <p>2023 йил 30 декабрь</p>	<p>Рақамли технологиялар вазирлиги, операторлар ва провайдерлар</p>	<p>Ижрочилар маблағлари</p>	<p>Телекоммуникация инфратузилмасини янада ривожлантириш мақсадида оптик толали алоқа линияларини умумий узунлиги 220 минг километрга етказилиши орқали телекоммуникация тармоқларининг қамровини 88 фоизга оширилади.</p>
5.	<p>Халқаро пакетли коммутация маркази ўтказувчанлик қобилятини қуйидагилар орқали ошириш.</p> <p>Бунда:</p>		<p>Рақамли технологиялар вазирлиги,</p>	<p>Ижрочилар маблағлари</p>	<p>Халқаро пакетли коммутация маркази ўтказувчанлик қобилятини 3,6 Тбит/секундга</p>

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш муддати	Масъул ижрочилар	Молиялаштириш манбаси	Бажарилган ишларнинг пировард натижаси
	<p>1) халқаро пакетли коммутация марказининг ўтказувчанлик қобилиятини кенгайтириш бўйича амалга оширилаётган лойиҳа доирасида қурилмаларни жойларга етказиб бериш, ўрнатиш ишлари бўйича тармоқ графигини тасдиқлаш;</p> <p>2) халқаро пакетли коммутация маркази ўтказувчанлик қобилиятини ошириш;</p> <p>3) амалга оширилган ишлар юзасидан маълумотларни Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p>	<p>2023 йил 30 апрель</p> <p>2023 йил декабрь</p>	“Ўзбектелеком” АК		етказиш орқали оператор ва провайдерларнинг халқаро каналлари кенгайтирилади.
6.	<p>Мобил алоқа таянч станцияларининг сонини ошириш. Бунда:</p> <p>1) хизмат кўрсатувчи мобил алоқа операторлари билан кенг полосали мобил алоқа қамровини ошириш мақсадида мобил алоқа таянч станцияларини ўрнатиш режасини тасдиқлаш;</p> <p>2) кенг полосали мобил алоқа қамровини ошириш мақсадида ўрнатиладиган 3 мингта таянч станциялари ва ускуналарини монтаж қилиш;</p> <p>3) амалга оширилган ишлар юзасидан маълумотларни Вазирлар Маҳкамасига ҳар чорақда киритиб бориш.</p>	<p>2023 йил 30 апрель</p> <p>2023 йил давомида</p> <p>ҳар чорақда</p>	Рақамли технологиялар вазирлиги, мобил алоқа операторлари	Ижрочилар маблағлари	Мобил алоқа таянч станцияларининг жами сонини 57 мингтага етказиш орқали мобил алоқа хизматларининг қамрови ҳамда сифатини янада яхшилашга имконият яратилади.
7.	<p>Халқаро аҳамиятга эга магистрал автомобил йўллари бўйлаб юқори тезликдаги мобил интернет қамровини таъминлаш.</p> <p>Бунда:</p> <p>1) хизмат кўрсатувчи мобил алоқа операторлари томонидан халқаро аҳамиятга эга магистрал автомобил йўллари бўйлаб юқори тезликдаги мобил интернет қамров даражасини ошириш мақсадида мобил алоқа таянч станцияларини ўрнатиш режасини тасдиқлаш;</p> <p>2) халқаро аҳамиятга эга магистрал автомобил йўллар бўйлаб кенг полосали мобил алоқа қамровини ошириш</p>	<p>2023 йил 30 апрель</p> <p>2023 йил давомида</p>	Рақамли технологиялар вазирлиги, мобил алоқа операторлари ва интернет провайдерлари	Ижрочилар маблағлари	Халқаро аҳамиятга эга магистрал автомобил йўллари бўйлаб юқори тезликдаги мобил интернет қамров даражаси 80 фоизга етказилади. 5 108 километр бўлган халқаро ва давлат аҳамиятига молик автомобиль йўллари ҳамда Тошкент–Самарқанд–Бухоро йўналишидаги 605 километр бўлган темир йўллари юқори

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш муддати	Масъул ижрочилар	Молиялаштириш манбаси	Бажарилган ишларнинг пировард натижаси
	мақсадида ўрнатилган қўшимча таянч станциялари ва ускуналарини монтаж қилиш; 3) амалга оширилган ишлар юзасидан маълумотларни Вазирлар Маҳкамасига киритиб бориш.	ҳар чорақда			тезликдаги мобил интернет билан тўлиқ қамраб олинади.
8.	Республика ҳудудларида (Тошкент, Бухоро ва Фарғона вилоятларида) маълумотларни сақлаш ва қайта ишлаш марказларини ташкил этиш.	2024–2025 йиллар	Рақамли технологиялар вазирлиги, “Ўзбектелеком” АК	Ижрочилар маблағлари	Маълумотларни сақлаш ва қайта ишлаш инфратузилмаси ривожлантирилади.
II. “Рақамли фуқаро” тамойили асосида аҳолига сифатли электрон давлат хизматларини тақдим этиш					
9.	<p>Ягона интерактив давлат хизматлари портали ҳамда унинг мобил иловасини такомиллаштириш орқали унинг янги талқинини ишлаб чиқиш.</p> <p>Бунда:</p> <p>1) лойиҳани амалга ошириш бўйича ишчи гуруҳ шакллантириш;</p> <p>2) илғор хорижий тажрибани ўрганиш ва таҳлилий маълумотларни тайёрлаш;</p> <p>3) лойиҳа техник ҳужжатларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва ўрнатилган тартибда экспертизадан ўтказиш;</p> <p>4) ягона порталнинг янги талқинини синов тарзида ишга тушириш, вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимлари билан интеграция қилиш режа-жадвалини тасдиқлаш;</p> <p>5) ягона портал ва унинг мобил иловасининг янги талқинини тўлиқ ишга тушириш.</p>	<p>2023 йил 30 апрель</p> <p>2023 йил 30 май</p> <p>2023 йил 30 август</p> <p>2023 йил 30 сентябрь</p> <p>2024 йил 30 январь</p>	Рақамли технологиялар вазирлиги	Рақамли технологиялар жамғармаси маблағлари	<p>Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда – Ягона портал) ҳамда унинг мобил иловасини такомиллаштириш орқали унинг янги талқинини ишлаб чиқилади.</p> <p>Бунда:</p> <p>а) Ягона порталдан фойдаланиш қулайлиги (usability) бўйича ўрганиш ўтказиш:</p> <p>муайян мезонлар бўйича фокус-гуруҳларга кирган кишиларни Ягона портални синовдан ўтказиш учун ёллаш;</p> <p>уларга Ягона порталда муайян ҳаракатларни бажариш учун топшириқлар бериш;</p> <p>натижаларни таҳлил қилиш;</p> <p>Ягона портал ҳамда унинг мобил иловасини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.</p>

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш муддати	Масъул ижрочилар	Молиялаштириш манбаси	Бажарилган ишларнинг пировард натижаси
					<p>б) тайёрланган таклифлар асосида Ягона портал ҳамда унинг мобил иловасини такомиллаштириш бўйича техник чора-тадбирларни амалга ошириш.</p> <p>в) чет эл фуқаролари учун алоҳида бўлим яратиш, Ягона портал фойдаланувчиларининг розиликлари асосида учинчи шахслар томонидан уларнинг маълумотларига ахборот хавфсизлиги талабларига амал қилган ҳолда киришлари учун имкониятни яратиш, шунингдек, онлайн маслаҳатчи функционалини жорий этиш;</p> <p>г) Ягона портал ҳамда унинг мобил иловасида “Рақамли ҳужжатлар” бўлимини яратиш. Ушбу бўлимда шакллантирилган ҳужжатларда ягона электрон идентификатори (QR-код, штрих-код, рақамли код) орқали текшириш имкониятини яратиш.</p>
10.	<p>Тақдим этилаётган рақамли хизматлар ва сервислар сифатини амалда олиб бориш.</p> <p>Бунда:</p> <p>1) ягона порталда жорий этилган хизматларни айримларини танлаган ҳолда унинг ўрнатилган регламент</p>	<p>2023 йилдан бошлаб доимий асосда</p>	<p>Рақамли технологиялар вазирлиги</p>	<p>–</p>	<p>Тақдим этилаётган рақамли хизматлар ва сервислар сифатини амалда олиб бориш мақсадида “сирли мижоз” тизими йўлга қўйилади.</p>

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш муддати	Масъул ижрочилар	Молиялаштириш манбаси	Бажарилган ишларнинг пировард натижаси
	<p>талабларига мувофиқ фаолиятини ўрганиш; 2) регламент қоидалари бузилиш ҳолатлари аниқланган тақдирда ўрнатилган тартибда тегишли чоралар кўриш.</p>				
11.	<p>Жойларда фуқаролар рақамли давлат хизматларидан мустақил равишда фойдаланишни ташкил этиш. Бунда: 1) рақамли хизматлар нуқталари жойлаштириладиган ҳудуд ва жойларни аниқлаб зарур инфратузилма билан таъминлаш; 2) рақамли хизматлар нуқталари фаолиятини йўлга қўйиш.</p>	<p>2023 йил 30 август</p> <p>2024 йил январь</p>	<p>Рақамли технологиялар вазирлиги</p>	<p>Ижрочилар маблағлари</p>	<p>Жойларда фуқаролар рақамли давлат хизматларидан мустақил равишда фойдаланадиган 14 та “Рақамли хизматлар нуқталари” ташкил этилади.</p>
12.	<p>Ишончли учинчи томон тизимини ишга тушириш. Бунда: 1) Ишончли учинчи томон хизмати фаолиятини юритиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш; 2) норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p>	<p>2023 йил 30 сентябрь</p> <p>2023 йил декабр</p>	<p>Рақамли технологиялар вазирлиги</p>	<p>Ижрочи маблағлари</p>	<p>Ишончли учинчи тараф хизмати Хорижий давлатларнинг электрон рақамли имзо калитларининг сертификатлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва Ўзбекистон Республикасида берилган электрон рақамли имзо калити сертификатларини Хорижий давлатларда тан олиниши бўйича ҳамда Хорижий давлатлари халқаро ҳужжат алмашинуви тизими билан электрон ахборот алмашинувини йўлга қўйиш бўйича ишлар олиб бориш ва бу учун талаб этилувчи тегишли ҳужжатларни имзолаш ваколати берилмоқда.</p>
V. IT-индустрияни янада ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш, IT-хизматлар экспортини ошириш					
13.	Қуйидагиларни инобадга олган холда, IT-Парқда хорижий		Рақамли	Ижрочилар	Инновацион экотизимни

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш муддати	Масъул ижрочилар	Молиялаштириш манбаси	Бажарилган ишларнинг пировард натижаси
	<p>компаниялар учун “Рақамли молия технологиялари маркази” ни ташкил этиш.</p> <p>Бунда:</p> <p>1) Дубай халқаро молиявий маркази (DIFC) экспертларини, шу жумладан шартнома асосида жалб қилган ҳолда лойиҳа гуруҳини шакллантириш ҳамда “Рақамли молия технологиялари маркази”ни ташкил этишнинг концепция ва лойиҳасини ишлаб чиқиш;</p> <p>2) амалдаги қонунчилик, молия технологиялар маҳаллий бозори ҳамда солиқ режими ва банк соҳасида тартибга солишнинг жорий ҳолатидан келиб чиқиб, Дубай халқаро молиявий маркази (DIFC)нинг муваффақиятли тажрибасини ўрганиш ва уни амалиётда жорий қилиш имкониятини комплекс таҳлил қилиш;</p> <p>3) Дубай халқаро молиявий маркази (DIFC)нинг тажрибасидан келиб чиқиб IT-Паркда Рақамли молия технологиялар марказини ташкил этиш бўйича қуйидагиларни кўзда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси, стратегия ва чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш;</p> <p>4) хорижий IT-компаниялар учун қўшимча имтиёз ва преференцияларни жорий қилиш;</p> <p>5) Дубай халқаро молиявий маркази (DIFC)да қўлланиладиган норма ва принциплар асосида молия технологиялари соҳасидаги хорижий компаниялар учун инглиз ҳуқуқини жорий қилиш ва уларнинг молиявий фаолиятини тартибга солиш;</p> <p>6) молия технологиялари соҳасидаги хорижий компаниялар учун тартибга солиш қумдонини жорий қилиш;</p> <p>7) венчур жамғармалар, стартап лойиҳалар ва бошқалар</p>	<p>2023 йил 30 март</p> <p>2023 йил 30 май</p> <p>2023 йил 30 октябрь</p>	<p>технологиялар вазирлиги</p>	<p>маблағлари</p>	<p>шакллантириш ҳамда республикага етакчи хорижий IT-компаниялар, венчур жамғармалар ва молия технологиялари соҳасидаги стартап лойиҳаларни жалб қилиш мақсадида IT-Паркда хорижий компаниялар учун “Рақамли молия технологиялари маркази” ни ташкил этиш.</p> <p>Бунда, Ўзбекистон IT-бозорига йирик хорижий компанияларни кенг жалб қилиш, Ўзбекистоннинг жаҳон майдонида инвестицион жозибадорлигини ошириш, шунингдек инновацион лойиҳалар яратилишини рағбатлантириш имконияти яратилади.</p>

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш муддати	Масъул ижрочилар	Молиялаштириш мабсади	Бажарилган ишларнинг пировард натижаси
	<p>учун фаолияти олиб бориш тартибини соддалаштириш.</p> <p>8) Дубай халқаро молиявий маркази (DIFC) экспертларининг амалий кўмаги асосида IT-Паркда “Рақамли молия технологиялари маркази”нинг фаолиятини йўлга қўйиш.</p>	2024 йил 1 январдан бошлаб			
14.	<p>IT-Парк резидентлари томонидан амалга оширишга рухсат этилган фаолият турларига рўйхатига қўйидаги қўшимча йўналишлар киритиш:</p> <p>Бунда:</p> <p>1) ҳудудларда мультимедиа ва дизайн соҳасининг веб-дизайн, графика дизайни, компьютер ўйинлари дизайни, вектор графикаси, 3D-графика, визуаллаштирувчи дизайн, интерфейс дизайни, техник дизайн, моушн-дизайн соҳасида хизмат кўрсатиш;</p> <p>2) ҳудудларда дастурий таъминотдан фойдаланган ҳолда мултипликация маҳсулотларини ишлаб чиқариш;</p> <p>3) IT-парк ҳудудида жойлашган ва рўйхатдан ўтган ахборот технологиялари соҳасидаги венчур жамғармалари ва акселерация дастурларини амалга ошириш фаолияти;</p> <p>4) норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишиш;</p> <p>5) норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p>	<p>2023 йил 30 июнь</p> <p>2023 йил 30 июль</p>	Рақамли технологиялар вазирлиги	–	IT-Парк резидентлари томонидан амалга оширишга рухсат этилган фаолият турларига рўйхатига қўйидаги қўшимча йўналишлар киритилади.
15.	Юридик шахсларнинг IT-Парк резиденти мақомини олиш тартибини ва IT-Парк резидентларининг IT-Паркка тақдим этадиган ҳисоботларини соддалаштириш ва уларни солиқ органлари билан интеграция қилиш.		Рақамли технологиялар вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия	–	Юридик шахсларнинг IT-Парк резиденти мақомини олиш тартибини ва IT-Парк резидентларининг IT-Паркка

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш муддати	Масъул ижрочилар	Молиялаштириш манбаси	Бажарилган ишларнинг пировард натижаси
	<p>Бунда:</p> <p>1) ҳисобот шаклини қайта кўриб чиқиш ва соддалаштириш ҳамда солиқ органлари билан инеграция қилиш;</p> <p>2) IT-Парк резидентларининг фаолият турларини қайта кўриб чиқиш ва норматив-ҳуқуқий лойиҳасини тайёрлаш;</p> <p>3) норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p>	<p>2023 йил 30 май</p> <p>2023 йил август</p> <p>2023 йил сентябрь</p>	<p>вазирлиги</p>		<p>тақдим этадиган ҳисоботлар соддалаштирилади ва уларни солиқ органлари билан интеграция қилиш орқали автоматлаштириш ҳамда IT-Парк резидентларининг фаолият турларини янги босқичга олиб чиқиш орқали такомиллаштирилади</p>
16.	<p>Рақамли технологиялар соҳасида IT-таълим хизматларини кўрсатиш, дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқиш ҳамда экспортга йўналтириш бўйича стартап лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш учун танлов асосида 1 миллиард сўмгача бўлган грантлар ажратиш IT-парк орқали амалга ошириш.</p> <p>Бунда:</p> <p>1) илғор хорижий тажриба асосида мазкур кичик бандда кўзда тутилган грант маблағларини олиш учун ахборот платформаси орқали мурожаат қилиш, мурожаат жараёнини кузатиб бориш, лойиҳанинг молиявий ва техник жиҳатдан баҳоланиши ҳамда грант маблағлар ажратилиши тартиби лойиҳасини ишлаб чиқиш;</p> <p>2) грант маблағларини ажратишни назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш ва келишишга юбориш;</p> <p>3) Ҳукумат қарори лойиҳасини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.</p>	<p>2023 йил 30 май</p> <p>2023 йил 30 июнь</p> <p>2023 йил 30 июль</p>	<p>Рақамли технологиялар вазирлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги</p>	<p>Ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси</p>	<p>Рақамли технологиялар соҳасида IT-таълим хизматларини кўрсатиш, дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқиш ҳамда экспортга йўналтириш бўйича стартап лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш учун танлов асосида 1 миллиард сўмгача бўлган грантлар ажратиш IT-парк орқали амалга оширилади.</p> <p>Бунда, грант маблағлари ижтимоий ҳаётдаги муаммоларни ҳал этиш ҳамда ижтимоий-иқтисодий соҳаларда қулайлик ва имкониятлар яратиш, шу жумладан, инсон ҳаёти ва соғлиғини ҳимоя қилиш, таълим, маданият, ёшлар, хотин-қизлар, спорт, сунъий интеллект, жамоат тартибини</p>

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш муддати	Масъул ижрочилар	Молиялаштириш манбаси	Бажарилган ишларнинг пировард натижаси
					таъминлаш йўналишлари учун уларнинг келгусида амалиётга жорий этилган ҳолда мустақил фаолият кўрсата олиши инobatга олиниб ажратилади.
VI. “Рақамли таълим” дастурини амалга ошириш					
17.	<p>“Бир миллион дастурчи” лойиҳасининг навбатдаги босқичини амалга ошириш. Бунда:</p> <p>1) рақамли технологияларини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан хорижий нуфузли таълим платформаларида (<i>Coursera ва бошқа</i>) онлайн ўқув курсларда таҳсил олиш имкониятини яратиш;</p> <p>2) масофавий таълим платформалари афзалликларини оммавий ахборот воситалари орқали кенг тарғиб қилиш, ёшларни ўқитиш ҳамда лойиҳа доирасида рағбатлантириш чораларини кўриш.</p>	<p>2023-2025-йиллар</p> <p>2023-2025-йиллар</p>	<p>Рақамли технологиялар вазирлиги,</p> <p>Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, <i>Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, манфаатдор вазирлик ва идоралар</i></p>	<p>Рақамли технологиялари ни ривожлантириш жамғармаси, IT-Парк маблағлари, ҳисоб-китобларга асосан</p>	<p>“Бир миллион дастурчи” лойиҳасининг навбатдаги босқичини амалга оширилади.</p>
18.	<p>Давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг рақамлаштиришга масъул ўринбосарлари ва ходимлари учун рақамлаштириш соҳасидаги қоидалар ва қонунчилик талабларини ўз ичига олган “ҳаёт давомида таълим олиш” тамойили асосида ўқитишнинг махсус ахборот платформасини яратиш.</p> <p>Бунда:</p> <p>1) махсус платформа яратиш бўйича техник талабларни ишлаб чиқиш;</p>	<p>2023 йил 30 сентябрь</p>	<p>Рақамли технологиялар вазирлиги,</p> <p><i>Вазирлик ва идоралар</i></p>	<p>Рақамли технологиялари ни ривожлантириш жамғармаси, ҳисоб-китобларга асосан</p>	<p>Махсус ахборот платформаси орқали давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг рақамлаштиришга масъул ўринбосарлари ва ходимлари учун рақамлаштириш соҳасидаги қоидалар ва қонунчилик талабларига ўқитишнинг “ҳаёт давомида</p>

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш муддати	Масъул ижрочилар	Молиялаштириш манбаси	Бажарилган ишларнинг пировард натижаси
	2) махсус плафтормани яратиш ишларини ташкил этиш; 3) платформани контент (видеоконнет, матнли дарслар, FAQ, форум, тестлар) билан тўлдириш чораларини кўриш	2023 йил 30 апрель 2024 йил давонида			таълим олиш ” (Life Long Learning) принципи асосида ўқитиш йўлга қўйилади.
19.	Ривожланган давлатлар (Корея, Эстония, Германия ва бошқалар)нинг рақамли таълим тажрибаси ҳамда сўнги таълим технологияларини ўрганиш. Бунда: 1) хорижий давлатларнинг рақамли таълим экотизим тажрибасини ўрганиш; 2) хорижий тажриба ўрганиш натижаларидан келиб чиқиб, тегишли хорижий давлатларга хизмат сафарларини амалга ошириш.	2023-2024 йиллар давонида	Рақамли технологиялар вазирлиги	Рақамли технологиялари ни ривожлантириш жамғармаси ва бошқа манбалар	Ривожланган давлатлар (Корея, Эстония, Германия ва бошқалар)нинг рақамли таълим тажрибаси ўрганилади.
20.	Республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларини рақамли технологиялардан самарали фойдаланиш борасидаги хорижий мутахассисларни жалб қилган ҳолда амалий кўникмаларини ошириш бўйича амалий чора-тадбирларни амалга ошириш.	2023-2025 йиллар давонида	Рақамли технологиялар вазирлиги, Республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, Тошкент шаҳридаги Инҳа университети, Давлат бошқарув академияси	Рақамли технологиялари ни ривожлантириш жамғармаси ва бошқа манбалар	Республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларини рақамли технологиялардан самарали фойдаланиш борасидаги хорижий мутахассисларни жалб қилган ҳолда амалий кўникмаларини ошириш ташкил этилади.